

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чiqиш, № 61 (13.621), 14 МАРТ 1967 йил СЕШАНБА Баҳоси 2 тийна.

«ИЗВЕСТИЯ» ГАЗЕТАСИНING РЕДАКЦИЯСИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети «Известия» газетаси редакцияси ва нашриёти коллективини, шунингдек ишчи ва қишлоқ мухбирларини, «Известия» авторлар активи ва газетасининг редакциясининг биринчи сони чиққанлигига 50 йил тўлиши муносабати билан қизини табриклайдилар ва салтанатий қутлайдилар.

Барча жаҳмият аъзоларининг илмий дунё қарашини ва коммунистик ахлоқини шакллантиришда, совет аппарати фаолиятини, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларнинг ишнини яхшилашда «Известия» газетаси янада активроқ бўлмоғи керак. Газета кенг меҳнаткашлар оmmasи билан алоқани ҳаминча мустақамлаб бориши лозим.

Қа қарши моҳияти ва агрессив характерини фoш этишга даъват этилган. «Известия» саҳифаларида қардош социалистик мамлакатлар халқларининг ҳаёти, бу мамлакатларнинг жаҳон социализм системасини мустақамлашга қаратилган иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги қандай ривожлантаётгани тўла-тўқис кўрсатиламоғи зарур.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ «ИЗВЕСТИЯ СОВЕТОВ ДЕПУТАТОВ ТРУДЯЩИХСЯ СССР» ГАЗЕТАСИНING ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

13 мартда Кремлдаги Съездлар саройида «Известия» газетасининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Кремлдаги съездлар саройида тантанали мажлис бўлди. «Известия» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан унинг меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш ҳамда уларни ҳўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидан кўрсатган катта хизматларини тақдирлаб, «Известия» Советов депутатлар трудящихся СССР» газетасига Ленин ордени билан мукофотлансин.



БИРДАМЛИК БИЛАН

МУЗРАБОТ. («Совет Узбекистони» мухбири). Азим Шеробод чўлининг қоқ белидаги Музработ даштларида инсон қудрати билан бундан аниги уч йил илгари ташкил топган «Советбод» совхозининг чўлуварлари коммунистлар билан партиясизлар боғининг номбодлари учун зўр уюшқоқлик ва яқдиллик билан овоз бердилар. Биринчи бўлиб сайлов қутиси ёнига келган революция ветерани Худойкул ота Абдиев бундай деди:

БАЙРАМ ТОНГИ

Тошкент шаҳар. Киров районидан 2-сайлов участкаси. Оранчи кутилган дамлар. Халқимиз одадига кўра, тантана миллий музика салотлари билан бошланади. Қизил алвонлар билан безатилган кутилар ёнига бирин-кетин сайловчилар яқинлашмоқда. Мана жуссадор, қорачадан келган ўрта ёшлардаги киши қўлидаги сайлов бюллетенларини қўтичага ташлади.

Ха, ростдан ҳам сайловчиларнинг қўлчилиги овоз бериб бўлибди. Бунга институт коллективининг кишии сессиялар боғлиқлиги қолгани қарамай, жуда ишчанлик, ташкилотчилик ва аҳиллик билан ишлаганликлари, сайловчилар орасида сиёсий тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйганлиги туфайли эришилди.

Орол шодийнаси. МУЙНОҚ. («Совет Узбекистони» мухбири). Жанубий Орол ва асос Аударнинг кўни оқими қирққиларида байрам шодийнаси. Ҳаммамнинг чехрасида табассум.

Суратларда: (юқоридан пастга) Оржоникидзе районидagi «Қизил Узбекистон» колхозига жойлашган 19-сайлов участкасида. (Чапдан) Социалистик Меҳнат Наҳрамони А. Эгамназаров, Ф. Қодирова, Р. Эгамназарова ўртоқлар. Пастдаги суратда эса (чапдан) Октябрь районидagi 24-Олмазор сайлов округи сайловчиларидан С. Исломова, А. Раҳматов, Т. Раҳматуллаев, Р. Усмонов ўртоқлар овоз беришмоқда.

СЕРГЕЛИ САЛОБАТИ

Машинадан тушибоқ нуруний отахонга дуч келдим. У негадир бир жойда тўхтаб турар, алланималар ҳақида ҳаёл сурарди. Илқинча саломлашдик. У хурсанд кўринарди. Лекин нима ҳақида ўйлаётганлигини билгим келди. Сўрадим:

Юринг, азиз меҳмоним бўласин! — деб тақдир этди у. «Отахон кotteжда истиқомат қиларкан, ҳоналари бирам бежирим, ихчам, ёруғ ва кўркамки... Ҳаётдан, турмушдан жуда миннатдор у. Мен уз сўраб сайлов участкасига боришимда, кейинроқ меҳмон бўлишимни айтганимда, у тагин илқирок қўлиб бундай деди:

Юринг, азиз меҳмоним бўласин! — деб тақдир этди у. «Отахон кotteжда истиқомат қиларкан, ҳоналари бирам бежирим, ихчам, ёруғ ва кўркамки... Ҳаётдан, турмушдан жуда миннатдор у. Мен уз сўраб сайлов участкасига боришимда, кейинроқ меҳмон бўлишимни айтганимда, у тагин илқирок қўлиб бундай деди:

ДУСТАЛАР ДАВРАСИ

Чилонзордаги 103-ўрта мактаб биносига жойлашган 34-сайлов участкаси дид билан безатилган. Деворларга турли шир ва плакатлар осилган. Радиопрёмниклардан дилрабо куй ва қўшиқлар янграмоқда. Диллар фахр ва гурур билан тўлиқ, чехраларда табассум. Сайлов участкаси комиссиясининг раиси Галина Яковлевна Апасова сайловчиларни овоз беришга таъриф этди.

Уларга табиий офат — зилзиладан зарар кўрган тошкентликлардан бир ярим мингга яқин оила кўчи кирди. Хозир қурувчиларимиз пойтахтдаги Пушкин кўчасида маъмурий ва уй-жой бинолари қуришни бошлаб юбордилар. Уйлаймани, қурувчиларимиз жасорат шаҳри — Тошкентнинг овоз ва гузал қилиб қайта қуриш ишига бундан кейин ҳам муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига бўлиб ўтган сайловлар ҳамма ерда партия ва халқ монолит бирлиги ва жипслигининг ёркин намоийшига айланди.

Республикамиз меҳнаткашлари она-Ватанимиз қудратини янада мустақамлаш учун, унинг гуллаб-яшнаши, халқ бахт-саодати учун, коммунизм тантанаси учун яқдиллик билан овоз бердилар.

ЧОРВАДОРЛАР АҲДИ

МУРОТА, 12 март, (телефон орқили олинди). 1-«Қўшраб» совхоз чорвадорлари бугун ҳар қачонгидан ҳам шод-хушрама. Бунинг боиси бор. Улар бугун коммунистлар билан партиясизлар халқ блокнинг номзодлари — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлари депутатлари номзоди учун иқидиллик билан овоз бердилар.

лаш планини инки ҳисса қилиб бақардилар. Совхозда қўшилтиш уюшқоқлик билан бошланади. Илғор чўпонлардан Марди Тўймуродов, Мамаднёр Шосимовлар ҳар овоз совқилдан 175 бошдан кўзи олинга сўз бердилар.

ДУСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Волгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Волгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Тодор Живков, Волгария Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Волгария Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Живко Живков, Волгария Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Волгария Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўрин-

босари ўртоқ Таю Цолов КПСС Марказий Комитетининг таълифига биноан дўстона, гағри раъсий визит билан 13 мартда москвга келдилар. Волгариялик меҳмонларни Внуково аэродромида КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андронов ва бошқалар кутиб олдилар. (ТАСС).

# ДЕМОКРАТИЯМИЗ ТАНТАНАСИ

**СОЛИЖОНБОД.** 13 март. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерлар ун-ун беш йил муқаддам Марказий Фарғонанинг Ёвбон массивига қарашли қумлар кўчи юрадиган қишлоқ эди. Энди чўл дегизга оғиз бормади. Фарғонанинг асрида қишлоқлари билан ҳусн талашадиган замонавий Жийдагани, Қиандой, Пистоқ сингари сулув қишлоқлари бор.

Байрам тонгида Пистоқ сайлов участкасига келдик. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган ўз агрономлари Абдурахмон Абдуқодировга овоз бераётган чўлувар сайловчилар суҳбатда бўлдик. Биринчи бўлиб овоз бериш шарафига мўъссар бўлган чўлуварлар билан давра кўрдик. Улар Солижонбоднинг тарихи, бу ерда биринчи марта кетмон урюк экин эканлар ҳақида, унинг ҳозирги келажаги ҳақида ҳикоя қилиб беришди.

Солижонбоднинг энг хурматли пахтакорларидан нека сайловчи Мўминжон ота Холматов бу совиқ чўлга қаердан юриш бошлаганини, қаерда биринчи уй қад кўтарганини айтиш билди. У бир неча йиллардан буён бригадирлик қилиб, чўлда 30-35 центнергача пахта ҳосили кўтарган пахтакор. Мўминжон ота ҳозир участканинг муроиб. Чўлга ҳаёт бағишлаган сувнинг нани унинг қўлида.

— Шу муборак сайлов кунда ўзимнинг энг яхши ишбилармон, халққа

## СОЛИЖОНБОД ҚИССАСИ

юриш-туриши билан, иши билан, муомаласи билан ёқиб қолган ўғлимиз Абдурахмонжонга суюниб-суюниб овоз бердик. У барака тоқсин, оталари бошлаган ишни давом эттиряпти. Мана, шу чўл участкасида ўтган йили гектардан 32 центнердан ҳосил берган эканмиз, Абдурахмоннинг ҳиссаси катта бўлди. Биласизларми, бундан ниҳоят беш-олти йил муқаддам ҳосилдорлик 12-15 центнердан ошмас эди.

— Қолхозимизда-чи? — деди суҳбатта аралашиб Солижонбод участкасининг бошлиғи Солижон Солиқов. — Бундан ниҳоят уч йил муқаддам ҳосилдорлик 21 центнер эди. Уч йилда қариб 10 центнер кўтарилди.

— Бу ҳам бўлса, Абдурахмоннинг ер тилини яхши билгани, ёш бўлишга қарамай кўпчиликка бош бўлгани, ишнинг кўзини билгани туфайли-да. У қолхозга бош агроном бўлиб келганига энди уч йил бўлди, — деди бригадир Иброҳимжон Нуриев.

Кейин Мўминжон ота Солижонбод тарихи ҳақида гапирди берди.

— Эсимда, биров келмайдиган чўл

эди. Ҳозирги жойлар тоғ эди. Раҳматли Солижон ота Охунбобоев чўлга юришни шу ердан бошлаганлар. Биринчи шу ерга тоқлар экилиб, боғ қилинган. Йўللар очилиб, уйлар қурилган. Мен сизга айтсам, Солижон ота ерга тўймаган одам эди. Узаро шундай дердик. У шу ерларни боғ қиламан деб ажратиб олгани эсимда. Ажриқ илдири, қурмак ва беда уруғлари тўдирилган қопларни ота ўзгарди. Ҳозир чўлга йўл бошлаган. Орқасидан биз отда юриб, қумга ажриқ билан беда, қурмак уруғларини сочиб кетаверганмиз. Устидан зах сувларни бостириб, уни қумартириб олганмиз. Ота чўлдан ана шундай бир неча юз гектарлик ерни юлиб ажратиб олган. Кейин чўл ичига ариқ тортиб, четига дарахт экиб, бекорга оқиб ётган Файзабод коллекторининг зах сувларини шу ариқларга тараганмиз. Ушанда экинлар тол, тераклар ҳозир қучоққа синамайди, кесиб уй қуриб адо қилиб бўлмайди. Аввал ерчи шундай экиб, кейин пахта эканмиз. Ҳозир ҳам чўлда ер тортиб олишда шу йўлни тутаямиз.

— Марказий Фарғонадан тортиб олинган 200 гектарлик бу участкага халқ Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Солижон ота Охунбобоев номини бериб, Солижонбод деб юборди. Яхшидан ном қолади деганлари шу-да, — деди бригадир Ганижон ака Эминов.

— Яхшироқ сураб кўринг-а, етти йшардан етмиш яшаргача билади у кишини, — деб ҳикоясини давом эттирди Мўмин ота. — қолхозимизда Ўзбекистон ССР Олий Советига биринчи шу одам депутат бўлган эдилар. Энди Абдурахмонжонни сайладик. Шунинг ўзи ҳам бу йилгитта халқнинг ихлоси қанчалик баландлигини кўрсатиб турибди.

Бу орада Солижонбоднинг биринчи граждандари, энг биринчи чўлуварлари Хайдар ака Усаров, Солиқ ота, Тешахон ота, Ашур тоға, Эргаш акалар овоз бериб, даврамизга келиб қўшилишди. Биз улардан ҳам ўтмишда одам беғи етмаган, эндиликда Фарғонанинг шоҳ-сузанаисиди ерларга ўшаб кетган Солижонбод қиссасини тинглаб ўтириб, чўлуварлар жасоратига таҳсин айтдик.

Эрта билан соат ўн бирларда сайловчилар овоз бериб бўлишга, Солижонбодни айлантириб чиқиб кетдик.

**М. МАНСУРОВ,**  
Охунбобоев районидаги Ленин номи колхоз.



Ф РҮНЗЕ район 46-Тўқимачлик сайлов округида.

## ЯШАРАЁТГАН ВОҲАДА

Қарши чўлининг дарвозасиди жойлашган «Иштон» давлат наслилик совхоз. Бундан 30 йил аввал бу ерда итиги 150 га яқин чўл яшарди ҳоло. Бугун эса ҳар жиҳатдан мамол топган тўзал посёлка бўлиб этилган. Унда бир ярим мингта хўжалик истиқомат қилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказилган сайловчилар совхоз ишчиларининг бир оила фарзандларидек, аҳил ишбағ-ганликларини яна бир бор намоён қилди. Посёлка территориясида тўртта сайлов участкаси тузилди. Сайловчиларнинг кўпчилигини Талли-маржонда чўл қўзғатган турли миллат вакиллари ташкил этади. Улар

Ўзбекистон ССР Қурилиш министри С. Иброҳимовни республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган эдилар. Шунингдек, 3-ферма чўнони Шербой Кенжаев об-ласт Совети депутатлигига номзод қилиб қўйилган эдилар. Яншаба кўни чўл азаматлари халқимизнинг содиқ фарзандлари учун яқинлик билан овоз бериш мақсадида сайлов участкасига келдилар.

— Ўтмишда чўнони биров назарига ҳам илмасди. Улар ёву киш сурув кетидан юриб, норин тўйиб оқиб етмас, яхши кийим киймас эди,— деди Ленин орденли некаса чўно Вобо Авазов.— Бугун-чи, бугун халқлар партияни тамжур-лигида чўно ҳокимиятини бошқари-пти. Визинг номзодларимиз ҳам халқимизнинг асл фарзандларидир.

Шербой Кенжаев совхозда 17 йил-да бугун чўнолик қилди. У кўп-ларни бўрдоқга боқиб, сифатли қорамул терилари олиш борсида катта тажриба орттирган. Шербой кизмат қилган совхоз юбилей йили-да 55172 совиқнинг ҳар 100 бо-шдан 120 тадан қўни ойнаш мақ-садида меҳнат қилмоқда.

Республика Олий Совети ва маҳал-лий Советларга ўтказилган сайлов-ларини тўла ҳамжихатлик билди-лулган чўлуварлар Улуг Октябрь-нинг 50 йиллик байрамнинг ҳам му-носиб тўхталар билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**З. ИСРОИЛОВ,**  
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

## РОССИЯ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ БИРДАМЛИГИ

Россия меҳнаткашлари 13 марта-да тинчлик ва номунзим учун, партия XXIII съездининг қарорларини амалга ошириш учун овоз бериб, Россия Федерацияси Олий Советининг ва маҳаллий ҳокимият органларининг депутатларини сайладилар.

Шу кун Москва эрта саҳарда уғониб, 2811 та сайлов участка-лариди экинларни сайловчиларга хушрўйлик билан кенг очиб қўйди. Москва меҳнаткаш-лари ўзларининг энг муносиб, энг садонатли ўғин ва қизларини, ишчилар сянфи намоёндаларини, инкордор эдиларини, партия ва совет хўжалиқини Советларга сайладилар. РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб, Вау-ман сайлов округи меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни кўрсатдилар. КПСС Марказий Комитети Сийси бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Фрунзе сайлов округидан, КПСС Марказий Комитети Сийси бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгор-ний Ленинград сайлов округидан овозга кўйилди. Депутатликка номзодлар орасида КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Дементьева, машхур кўрғу А. А. Вишневский ва академик М. Д. Малиновский, СССР Халқ россони Н. В. Томский, «Борец» компрессор заводи инстру-ментал цехининг раметчиси З. Р. Гриничева, башлиаи қран-машинисти К. П. Цуплова, «Дина-мо» заводининг мастери В. А. Те-легин ва бошқалар бор.

Москвада соат 16 гача сайлов-чиларнинг 97,7 проценти овоз бе-риб бўлди.

Москва области аҳолиси учун Советларга сайлов кўни қўшқил-байрам бўлди. Бундан бир неча кун муқаддам Москва областига учинчи Ленин ордени тошпири-ди. Москва областининг сайлов округлариди РСФСР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сийси бюроси аъзоси-лигига кандидат, ВЦСПС Раиси В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капото-нов, «Октябрь» 40 йиллиги Ва-лашхнин машинасозлик заводини тоқари К. И. Трутнев номзод-лари овозга қўйилди. Сайлов ҳам-жихатлик билан ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сийси бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг би-ринчи ўринбосари К. Т. Маэуров



РСФСР Олий Совети депутатли-га овозга қўйилган Василий Остров сайлов округида, КПСС Марказий Комитети Сийси бю-росининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Ки-рилленко номзоди республика Олий Совети депутатлигига овоз-га кўйилган Политтехника сайлов округида овоз бериш амалияли билан ўтди.

РСФСР олий совети депутатли-га партия ча ҳукуматининг бош-ча раҳбарлари ҳам овозга қўйил-ган сайлов округларида: Омскда Т. И. Воронов, Волгоградда А. Я. Цепко, Олтой ўлкасидаги район маркази — Павловскда Д. С. По-лянский, Куйбисев областининг Тольятти шаҳрида М. А. Сулов, Калининда А. И. Шеленин, Ярославлда П. Н. Демичев, Владимир областининг Новорыбинск шаҳрида Ю. В. Андрю-лов, Пенза областининг Нижний Донов шаҳрида Ф. Д. Кулаков, Саратовда В. И. Полосарев, Че-лябинск областининг Миасс шаҳ-рида М. С. Соломенцев учун овоз бериш амалияли билан ўтди. Кам-ка ноқда бўлганимиз, шу оғир-ағдир ҳам салловчилар амалияли, умумийлик ва аҳлини билан овоз бердилар.

Кубанди сайлов участкалари-да чошгоҳа надар қишлоқ сай-ловчиларининг кўпчилиги овоз берди бўлди.

ТАСС мухбирлари энг узоқ жой-лардан юборган хабарлариди овоз бериш аҳлини ва амалияли билан ўтганини маълум қилмоқ-далар. Қўчма муз станциялари «Шимолди кўт-13» ва «Шимолди кўт-15» да овоз бериш пункт-лари соат 6 да очилди. Совет Жа-кубий кўтб саниаларининг қиш-ловчилари овоз бераётган жойлар-да, «Обь» дизел-электростанция-да ҳам овоз бериш пунктлари эрта-лаб соат 6 да очилди. Чита об-ластининг одам ўтиб бўлмас тай-га Урмонда истиқомат қилаёт-ган метеорология постининг ку-затувчиси Владимир Зайцев ва унинг хотинига сайлов кўтиси ва бюллетени вертолётда олиб ке-линди.

Таймирда уч кундан бери да-вом этаётган қор бўрони хаво йўлларининг ҳаммасини ёпиб қўйди. Шундай нийни пайтда туғрада транспортнинг энг ишончли тури — бугулар қўшил-ган ченалар иш берди. Эрталаб соат 8 га қадар Таймир округи қишлоқлариди сайловчиларнинг деярли ярмиси овоз бериб бўлди.

(ТАСС).



ЯНГИ ТОШКЕНТ» ЛИҚЛАР ОВОЗИ

Октябрь районидидаги Фурқат номи 196-мактаб биносида янги ташкил этилган 28-сайлов участ-касида.

Бу сайлов участкаси янги маҳаллада жойлашган. Янги-да Охунбобоев номи, «Ленин йўли» колхозларидан ер ажрати-либ, шаҳар территориясига ўтқи-зилди ва «Янги Тошкент», «Пах-та» маҳаллалари ташкил этилди.

Мана шу янги икки маҳалланин-г 2418 сайловчиси кўрсатилган ном-зодлар учун бугун ўз овозларини беришди.

Овоз бериш бошланди. Сайлов-чилар неча-неч кўти ёнига ке-лидилар. Вахтди некалик заки-ли сураётган Тулаган ота Мадр-раимов, Қорабой ота Раҳмонбе-диев, Зиб ота Норматов, Ханифа-опа Қурбонова, Нури ва Мано-лова, Рўзимат ота Ашуровлар шод-хуррамлик билан ўз гражд-андлик бурчларини адо этидилар.

Айниқча, умрлариди илк марта сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ёш-ларнинг кўночи чексиз. Студен-т М. Топшублатова, ўқувчи Ш. Ис-собаева, ишчи М. Низомовалар сай-лов участкасидадан хайжон билан овоз бериб чикишди.

Октябрь районидидаги 28-сайлов участкасида кўннинг биринчи ярмида, Жданов номи 23-сай-лов округидида Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлигига ном-зоди кўрсатилган орденли 24-мак-таб ўқитувчиси Музаам Павло-рова, шунингдек, шаҳар ва рай-он Советларига депутатлигига номзодлари кўрсатилган ўртоқ-лар учун овоз берувчилар ўз граждандики бурчларини адо этиб бўлишди.

**А. ЮСУПОВ,**  
Тошкент.



АМУ БҲАРИДА баҳорнинг даст-лаби нуллари ёнгарчилик билан бошланди. Ленин 12 март тонгида ҳаво очин, осмон мусаф-фо эди. Воҳода негизан байрам на-фаси одамларнинг нувоқо чеҳра-лариди ёрқин анс этиб турибди.

Хоразмилар умумхалқ байра-ми — сайловлар кўниги юбилей олдиди меҳнат вахтасида туриб кў-тиб олдилар. Туғилгани нахали қу-рувчилари, Урганч ишчилари, Аму-дарё некачилари, қишлоқ меҳнат-нашар байрамга муносиб совга-лар билан келдилар.

Қўриқда барпо этилган Хо-размий номи ва «Янгибод» сов-хозларида, «Октябрь элдин йилли-ги» колхозларида янги сайлов участ-калари ташкил қилинди.

Мана, Гурлан районидидаги «Ок-тябрь элдин йиллиги» колхозиди-миз. Бу хўжалик очилган қўриқ-да шу йилнинг бошларида ташкил топди. Сайлов участкаси некаса деҳқон Қурбонбой ота Қўчқоров-нинг уйига жойлашган. Чўни бу ерда правление ва клуб, мактаб ва бошқа жамоат биналари нури-лиши энди бошланганди.

Участка сайлов комиссиясининг раиси У. Тоқибоев сайловчиларни овоз беришга танилф этганида де-ярли ҳамма сайловчи шарафли хўчуқдан фойдаланиш учун ҳозир бўлган эди.

**М. ГЛАУБЕРЗОН** фотолари.

**САМАРҚАНД.** («Совет Ўзбекистони» мухбири). Учу юртлари ва турли муассасалар ҳамда маҳал-ларидида 9 та сайлов участкаси-да сайлов эур ушқониди билан ўтди. Бу сайлов участкаларида рўйхатга олинган 12 мингдан о-широқ сайловчиларнинг ҳамма-си кундуз соат 11 бўлмасдан о-воз беришда катнашди.

Шу ўзв йилда ташкил топган Самарқанд архитектура ва кури-лиш институтининг студентлари ва олимлари қишки имтиҳонлари яхши баҳолар билан янгунаб, сай-лов кўниги муносиб кутиб олди-лар. Институт сайлов участкасида

эрталаб соат 10 гача рўйхатди ҳамма сайловчилар овоз бериш-да иштирок этиди. Улар коммунист-лар билан партиячилар блокни-нинг номзоди, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Самарқанд Давлат универ-

ситети рантири Воҳид Абдуллаев учун овоз бердилар.

Қадимий ва навиорон Самар-қанднинг бошқа сайлов округлари ва участкаларида ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳамда маҳаллий Советларига сайловлар кўтаринки руҳ билан ўтди.

87 яшар Нурали ота Воисов сай-лов кўтиси ёнига келди:

— Хоразмда инқилоб кўчи нур сочган унутилмас дамлар ҳам, колхоз тузган нуллариимиз ҳам хозиргидек эсимда. Мана, Яиллар ўтиб, партия раҳбарлигидида юр-тиги гуллаб-яшнади. Кўночли дав-ронларга етиб келдик. Чўлда яна колхоз тузилганининг гувоҳи бўлдим. Қўриқни бустон қилиш йилда натти йш бошланганди. Мен улуг ишларда йўлбоши ва ихкомчи бўлаётган Ленин партия-сига раҳматлар айтман, — деди Нурали ота.

Меҳанизатор Қўзи Жуманиёзов, ёш сайловчи Сафарул Қоранонова ва бошқа дала азаматларининг овоз бериш пайтида айтган сўзла-рида партияга садоқат, Ватанга

чексиз муҳаббат туғуларни, кол-хозчи бари уриб яшнатини нияти ифодаланди.

Сайловчилар орузси албатта, рў-йига қиладди. Сабзавот, беда ва по-лиэ экинлари уруги етиштирадиган янги хўжалиқнинг истиқболи парлок, Экин майдони ҳозирги 238 гектардан беш йиллик окхирига бо-риб 1.100 гектарга етди. Кол-хозда ҳозир меҳнат бўлидек мавж урмонда. Сайловлар нунда колхозчиларнинг меҳнат кўтари-ничилиги яна бир марта намоён бўлди.

Машъал Хоразмининг ҳамма ери-да сайловлар партия ва халқ би-рлигининг натта намоёйишига ай-ланди.

**Ф. ЗОХИДОВ,**  
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

**БАЙРАМ НАШИДАСИ**

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига бўлиб ўтган адалди сайловдан бери Сир-дарё областида катта Уағаришчи-лар бўлиб, Сўнги тўрт йил мобай-лида чўлда яна 100 минг гектар-дан ортиқ янги ер ўлаштирилиб, йилни пахтачилик районлари таш-кил этилди. Ўтган сайловдан кейин бўлибга келган Анвал Икромов номи, «Анджон», «Фарғона», «Номсолом XV съезди» ва «Са-марқанд» совхозлари пахтачилик-нинг асосий базасига айланди. Мичурин номи, «Ширин» боғдор-чилик ва «Сирдарё» шолкорлик совхозлари ҳам ана шу йиллар ичиди ташкил этилди.

Фақат бугунга етмас. Ўтган сай-ловлардан бери Сирдарё саноати ва қурилиш ҳам янги поғонага кўтарилди. Янгиер шаҳридаги Юқори Босмили қурувлар заводи, Пахтабод посёлкасидаги пахта тозалаш заводи, Жиззах шаҳрида-ги силнақиди заводи ва бошқа бир қатор қурилиш объектлари фойдаланишга тошпирилди.

Янги ерлар ўлаштирилиб, янги район ва совхозлар ташкил эти-лиши туфайли сайлов округлари ҳам ўтган сайловлардаги нисба-тан 566 та қўлайди. Ўтган кўни области меҳнаткашлари Ўзбек-истон ССР Олий Советига ва маҳ-аллий Советларига 6 минг 628 та округдан ўзларининг энг яхши, меҳнатда синалган фарзанд-лари учун овоз бердилар. Булар орасида дондир меҳанизатор, Со-циалистик Меҳнат Қаҳрамони Ма-мажон Ладоқонов, Жиззах райони-даги «Москва» колхозининг чевар теримчиси Зухра Қаримова, Жети-сой районидаги 1-Урта мактаб ўқи-тувчиси Мария Зултова, Ховос те-мир йўл станцияси локомотино де-посининг машинисти Владимир Кучеревко, Сирдарё районидида Охунбобоев номи колхозининг механик-хайдовчиси Шаҳри Абдул-лаев каби халқ фарзандлари, ишлаб чиқариш илгорлари, дала гвардиячилари бор.

Эрталаб соат 12 гача областда-ги 298 минг 898 сайловчидан 90 проценти яқини овоз бериб бўлди.

**Ж. ШАРОПОВ,**

## КЎТАРИНКИ РҮХ



эрталаб соат 10 гача рўйхатди ҳамма сайловчилар овоз бериш-да иштирок этиди. Улар коммунист-лар билан партиячилар блокни-нинг номзоди, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Самарқанд Давлат универ-

ситети рантири Воҳид Абдуллаев учун овоз бердилар.

Қадимий ва навиорон Самар-қанднинг бошқа сайлов округлари ва участкаларида ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳамда маҳаллий Советларига сайловлар кўтаринки руҳ билан ўтди.

Андижон области меҳнаткаш-лари эрта тонгдан о саф-саф бў-либ, сайлов участкалари томои кела бошладилар. Ҳаммининг чеҳрасида тебасум, дилларида байрам қувончи. Ешу нари би-р-бирларини умумхалқ шодисеяси билан самимий табриқладди, ўз-ларининг севимли номзодлари учун тезроқ овоз беришга оши-қиди. Улар ораида машинасоз-лар, нефчилар, химиклар, био-морлар деҳқонлар, олимлар, ёш аёлдин коммунистик руҳда тар-биялаётган хурматли муаллим-лар, илм чашмасидан баҳраманд бўлаётган студентлар ва бошқа-ларни кўрамиз.

Мана, областдаги энг йирик олий ўқув юртинидан бири бўл-ган Андижон давлат педагогика институтидида 10-сайлов участка-си. Учасига олдиди овоз беришга ошиқиб турганлар кўп. Институт-нинг старшини ўқитувчиси Ҳаси-булла Тиллаев сўз олиб, сайлов-чиларни байрам билан самимий кутлади.

Овоз бериш бошланди. Сайлов кўтиси ёниги биринчи бўлиб Ни-колай Борди-чов яқинлашди. У кўнги сайлов бюллетенини олар экан, бундай деди:

— Мен умримда биринчи марта халқимизнинг асл фарзандлари учун овоз бермоқдам. Бу билан ўзимни гоит бахтиёр ҳисоб-лайман. Шу кутлуг кунда бизга оталарча гамжўрлик қилаётган

партия ва ҳукуматимизга миқ-миг раҳматлар айтман.

Андижон областининг бошқа сайлов участкаларида ҳам овоз бериш эур ушқониди билан ў-тди. Валиқчи районининг меҳнат-нашарли соат 11 дақиқ областда биринчи бўлиб ўз номзодлари учун яқинлик билан овоз бериб бўлилар. Янгиқўрғонликлар ҳам худди шу соатда овоз беришни 100 процент тамомладилар.


Андижон машинасозлик заводи, Наманган шойи туниш фабрика-си, Уйчи районидида Ленин номи колхоз сайлов участкаларида ҳам коммунистлар билан партия-чилар бўлининг номзодлари учун овоз бериш ушқониди бил-лан ўтди.

Шу кунги Андижон меҳнаткаш-лари уалари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ном-зод қилиб кўрсатган ишчилар — Андижон районидида «Коммуна» колхозининг раиси М. Эгамберди-ев, области партия комитетининг секретари Р. Файзиев, Қўрғонте-па районидида «Партия XXII съезди» колхозининг аъзоси О. Собинова, Потвоитон нефть ио-нининг оператори У. Эрназаров, Наманган районидида Свердлов номи колхозининг тракторчиси А. Муродов каби ўртоқлар учун яқинлик билан овоз бердилар.

**А. ҚУРБОНОВ,**  
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. (Чалдан) Октябрь районидидаги 1-мактаб биносига жой-лашган 38-сайлов участкасида анте жамоатчи, пенсионер Назирбек Абдибеков ва Абдурахмон Холдоровлар биринчи бўлиб овоз бермоқдалар. 2. (Ундаги): Тошкент области, Маликин районидида Собир Раҳимов номи колхозининг 8-сайлов участкасида пенсионер, 80 йшли Раҳимов ота Солиқов сайлов кўтиси ёнида.

**А. Тўраев** фотолари.



# КОММУНИСТНИНГ ҲИССАСИ

«Наҳотки ўн беш комплект борона-зигаг йўқ бўлиб қолган бўлса...» Муродилла партия комитети мажлисидан чиқиб, тўғри колхоз устaxonасига йўл олди. Устaxonада тракторчилардан участка механиги Б. Аҳмадалиевни учратди. У иш кунини тамом бўлганига қарамай, чигит экинни сеялган агрофида куйиб-пишиб ишларди. Аҳмадалиев бош инжениерни кўриши билан унга юзланди:

— Икки кундан бери мана шу филдирани ўз жойига тўғри туширолмайдми. Сеялган тузатиб далага олиб чиқсак, чигитин белгиланган уяларга ташламайми? — Шунга кўраётган эди. Инжениер ҳам ишга кирди. Икки механикатор бир-галлашиб селланинг «насалини» топди. Шу эрининг ўзида тажриба ўтказилди.

— Гап бундай, — деди Мансуров. Аҳмадалиевга қараб, улар ишни тутатиб қайтишар

кан, — ўтган йилги зигаглардан 15 комплекти қарда қолган номаслуд. Колхоз партия комитетига шу масалада гап бўлди. Уларни топиб ремонтга топшириш керак.

— Тўғри айтасиз, Муродилла, — деди механикатор инжениернинг фикрини маъқуллаб, — эртага ҳамма йилгиларда бунга айтиш керак.

Эртасига бош инжениернинг шахсан ўзи тракторчилар В. Екубонов, М. Акбаровлар билан биргаликда етти дала шийонини айланди. Хирмонларнинг четларини кўздан кечиришди. 5 комплект зигаг устaxonага келтирилди.

Кейинги кун Вирлашган, Бекобод участкаларидан қолган зигаглар ҳам топилди.

Бундай қараганда, бу, майда-чуйда ишга ўхшаб кетади. У айрим бригада бошлиқлари, участка механикаторларнинг масъулиятсизлиги туфайли да-

ларни партия сафига тайёрлаш вазифасини топширди. Муродилла ака Имомов ва Юсуфобевлар билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказди. КПСС Программаси ва Устав билан таништирди, коммунист ишда, турмуш, ўқиш ва кишилар билан муомалада қандай бўлиши кераклигини уқтирди. Партия аъзоси деган улуг номга доғ туширмаслиги, уни доимо пок сақлаш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида маслаҳатлар берди.

Муродилла ака тавсияномаси билан партия сафига ўтган дондор теримчи Раҳима Йўлдош, 4-бригада сувчиси Акрамжон Садилов, бригада бошлиғи Мелибой Турсунов сингари коммунистлар меҳнатда намуна кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлаётдилар.


Жумладан, Мелибой Турсунов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ўтган йили 75 гектар

пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 42 центнердан «оқ олтин» етиштириб, рекорд ҳосил олди.

Коммунист Мансуров инжениерликка тайинланган вақтда Димитров номи колхоз ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил олган бўлса, ҳозир бу рақам 35,5 центнерга етди. Бундан Мансуровнинг муносиб ҳиссаси бор.

Колхоз меҳнат аҳли юбилей йилда 800 гектар ерга квадрат уялаб чигит экиб, 3000 тонна «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқда. 12 та бригадада ариқ-зовурлар тозалаб қўйилди. Маҳаллий ўғит жамағариш, компост тайёрлаш, яқоб бериш ишлари меҳнатга етказилди, машина-механизмлар мавсумга тахт.

**М. ИБРОҲИМОВ,**  
Наманган райони.



Хамма ерда баҳор нафаси эсяпти. Соҳибкорлар боғларда қизғин иш бошлаб юборишди. Суратда: Янгийўл районидagi 2-«Олмазор» боғдорчилиқ совхозининг соҳибдорлари иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан

## ВОДИЙДА ТОНГ ОТДИ

Яков ГОРБУНОВ.

КЕКСА БОЛЬШЕВИКНИНГ ХОТИРАЛАРИ

ВОДИЛ сойи шарқираб оқмоқда. Тўлқинлар қирғоққа урилади, тошлардан тошларга сайрайдилар. Лекин сойнинг суви кўпдан бўён кеналларга, ариқларга оқмайди. Патхазорларни, боғларни сугормайди.

Шоҳимардон тоғлари ортидан кўёш кўтарилиб келмоқда. Кўчаларда, боғларда сукунат. Бу соҳилликда яшрин бир ташвиш бордир. Эгарланган отлар сўйик чайнаб, тўёқларини безовта тилрилатади. Охириги патрул қишлоқдан чиқиб кетаётди.

Партизанлар отряди Олтириққа йўл олган. У ерда Ванов нефть заводи бизнинг кўмагимизга муҳтож. Нефтичлар уларни сабрсизлик билан кутяпти.

Йўл узун арғамчидек қўзилиб кетган. Хароб қишлоқлар, экинзорлар оралиб боряпти. Ҳамма ерда босмачиларнинг қонли қўли сезилиб туради: куйайдиранган кўбалар, пайхон қилинган экинзорлар.

Оқшом қўяпти. Тун қора соғирини Фаргона водийси устига ёлмоқда. Бу улкан чодирнинг ҳар ер-ҳар арда юлдузлар милтиқлар кўйна бошлади. Узоқда чинарларнинг чироклари, Ишчиларнинг кичкина уйчалари нефть заводининг атрофини ўраб олган. Завод сукунат. Унинг бирорта мўрсидадан ҳам тўтук чиқмапти. Чимёй нефти дича вақтдан муайян сановатини томиларига куйилмапти.

Йўл четидеги девор орқасидан тавош эшитилди:

— Ким! Ҳўх! Ҳўх!

Хўжкатларининг кўрсатиб, ишчилар шаҳарчасига кирди. Ўзбек, рус ишчилари қилич, тўпонача, ханжар тақиб юришарди. Ишчилар билан суҳбатлашдик. Кучларни текширдик.

Станциядан 6 километр нарида Олтириқ пакта тозалаш заводи ишчиларининг шаҳарчаси бор. У ерда танишларимиз кўп. Яхши ҳаммом ҳам бор. Мен ва яна икки отлик заводга бормоқчи бўлдик. Бизни кучоқ очиб кутиб олишди. Ишчилар хонсиде чой ичиб ўтирганимизда эшик таққиллади. 20 ёшлардаги йигит ичкарига кириб, менга:

— Бир минутга ташқарига чиқсангиз, — деди.

Кўйлакчан ташқарига чиқдим. Эшик олдида шивалли бир киши менга револверини тўғрилаб турарди:

— Қўлингизни кўтар! — деди оқғардиячи жезова билан. — Сиз Эргашбек бошчилигидаги халқ армиясининг капитан Мальцев отряди томонидан. асирга олиндингиз.

Оқғардиячининг вазоҳати бу-зук, қарашлари совуқ эди. Уни қаревлар кўргандайман. Мен ва шерикларимни чойхонага олиб боришдик. Атрофиникини соқчилар ўраб турарди. Шу пайт офицер кийимидеги кенг яғрилик, ўрта эяер киши келди. Бу капитан Мальцев эди. У илжайиб:

— Ха урушқилар, — деди. — Нима қилиб юрбисизлар! Атаман Дутонинг армияси Ташкентга қилишиб қолганидан хабардор-миксизлар. Инглизлар Ашхобдики, Эргашбек Кўюкни эгаллаб олди. Шунинг учун энди бекорга оворга бўлмаёй бизлар томонга ўтаверинглар.

Биз бир-биримизга ҳайрон бўлиб қарадик. Чернишевнинг юзиде ишонсизлик, хонига хос бир аломатни сездим. Мен ва ёрдамчим

Уринбой Мальцевнинг тақдирини бош тордик. Чернишев эса кўзларини олазрак бўлиб, секингина:

— Розиман, — деди.

Одиллар биларга тикилиб турардик. Мен эса халқини ёш офицерни қаерда кўрганимизни эслаш учун унга синчиклаб рази солидим. Ҳа, эсладим.

— Мен сизни билмаман, билмаман! — деб қичқирдим. — Сиз генерал Салковнинг ўлиси. Скобелевда босмачиларга сиз кўрол-роқ етказиб бергансиз, Сиз Большевики ишчиларни отгансиз...

Шу пайт кўлогим остига тўқмоқдай мушт уриди. Кимдир қоринида тепди. Менни росе саваллаб, аъзойи-бадангизни момамолақ қилиб юборишди. Келиб-келиб оқғардиячиларнинг кўйлаб ўйиб одамга елам қиларкан. Бу ердан бор-йўғи 6 километр нарида эса ишчиларнинг қуролланган отрядлари турбиди.

Завод дарвозаси очилиб-ёпилади. Атрофини ўраб турган еломон орасида пичир-пичир гап бошлашди кетди:

— Ҳозир суд қилишса керак.

— Нима қилишаркин! Отшармикимиз!

Орадан ўн минут ўтгач ҳўкм эълон қилинди:

— Эргашбек бош кўмондонлигидаги халқ армиясининг дала штаб қарор қилиди: Улар отиб ташлансин!

Ҳамма жим. Оломон ўлимига ҳўкм этилган икки большевикка тикилиб қолдик. Сўз ишчилар, деҳқонлар галаан кўтаршди:

— Отгани қўймаёйми! Отилмасин улар!

Бу ҳайқирқилардан кейин бос-

мачиларнинг тағига титроқ кирди. Капитан Мальцев хато қилганини тушунди. Оломоннинг тағийқидан кутулиш учун ўз ҳўкминга «мехрибонлик» қилмоқчи бўлди:

— Биз асирлерини штабимизга олиб кетамиз.

Ажаб, ҳозир отидик нимаю, йўлда бирор ерда а кўлбага киритилиб отилмасани фарқи бор! Лекин ишчилар, деҳқонлар бизнинг оқғардиячиларга беришмади.

Кўн пешиндан отиб қолди. Капитан Мальцев ишчи-деҳқонларнинг хоҳишига қарши чиқибдан кўрдики. Босқинчилар отларига миниб кетишди. Сотқин Чернишев ҳам уларнинг думидан эргашиб борадир.

Бу «хаммомдан» кейин анча вақт ётиб, даволанишга тўғри келди. Бу ерда босмачи шакавлари бирин-кетин тор-тор қилина бошлади. Қизил гвардиячиларнинг сафи эса кўн сайин кўйлаб, ўсиб борадир. Кўюк қиндада Эргашбек қаттиқ зарбага учради. Кўюк босмачилар тоғларга қочиб кетишди. Эргашбек мағлубиятга учрагани учун Мальцевни отиб ташлади. Унинг қароқчилери эса қизилларга асир тушди.

СКОБЕЛЕВ — осейшита шаҳар. Мен ўртоғим билан Богда гурунлашиб ўтирдик. Олдимиздан ёш бир йигит ўтиб борапти. Унинг юзи менга танишдек кўринди. У капитан Мальцевнинг хамроҳига ўхшарди. Юрагим дук-дук уриб, кўйларимни томиларни тортиди. Кейтидаги тўпонанинг маҳкам қисиб, ўрнидан турдим:

— Тўхтаг. Сиз кимсиз?

— Мен... Мен Салков бўлман.

— Отгани қўймаёйми! Отилмасин улар!

Бу ҳайқирқилардан кейин бос-

## ОЛИМЛАР ҲАМЗА ҲАҚИДА

ФАРҒОНА (ЎзТАГ). Фарғонада атоқли ўзбек совет шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниязийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган бешинчи традицион илмий сессия бўлди. Сессияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номи тил ва адабиёт институту билан Фарғонадаги Улуғбек номи Давлат педагогика институту қарширган эди.

Сессияни филология фанлари доктори Қ. Хожазаров очди. Филология фанлари доктори Л. Қасимов, республика Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ю. Султонов ва бошқа ўртоқлар доқлад қилдилар. Ёзувчи Собир Абдулла Ҳамза тўғрисидаги хотираларини гапириб берди.

Сессия қатнашчилари Ҳамза олобда бориб, шоир Ҳамза манбарасига гулдасталаб қўйдилар.

## ЯШИЛ БОЙЛИКЛАР

НУКУС (ЎзТАГ). Фарғонада атоқли ўзбек совет шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниязийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган бешинчи традицион илмий сессия бўлди. Сессияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номи тил ва адабиёт институту билан Фарғонадаги Улуғбек номи Давлат педагогика институту қарширган эди.

Сессияни филология фанлари доктори Қ. Хожазаров очди. Филология фанлари доктори Л. Қасимов, республика Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ю. Султонов ва бошқа ўртоқлар доқлад қилдилар. Ёзувчи Собир Абдулла Ҳамза тўғрисидаги хотираларини гапириб берди.

Сессия қатнашчилари Ҳамза олобда бориб, шоир Ҳамза манбарасига гулдасталаб қўйдилар.

## АХЛОҚ, ОДОБ МАВЗУИДА Меҳр-оқибат

Ҳамшира қиз кирганда Салоҳидин ака кўз ёшларини артаётган эди.

— Ие, йилгилангизми! Раис бирор ёмон гап айтиб кетмиши!

— Йўқ,—Бемор кўз ёшдини тиблмасдию,— хечраси хондон урарди,— қувонччини сиздирамоқламан.

— Ортиқча ҳаяжонланманг, ака. Ҳамшира қиз-эй, бу ҳаяжоннинг дардага сиз берган доридан ўтирроқ даво бўлаётганини тушунасангиз эди. Бу гамхўрлик қадр-қимматининг баландлигини мен ёки ҳамкишларимиз ўртасидаги меҳру оқибатимиз!—Салоҳидин ака ўз ҳамкасбларининг, ҳаммаҳаллеларининг, ер-биродарларининг меҳрибонликларидан беҳод қувониб кетган, бу ҳис севинч ишларига айланиб, иури дийда орқали юзга чиқаятган эди.

Гап шундаки, Салоҳидин ака Мирзавев касалхонага етказилди. Узига қўйиб берилса, ўлкасининг шомололганини бошқаларга сеядирмай ишлайверарди. Ахир, ишнинг долзарбиде касалман деб ётиб олса қандай бўлади. У—колхозда секретарь, бутун бошлиқ — идораде ака ўзи. Бошқалар кундузи теримда бўлиб, кечқурун келишди. Ёзув-чизув, савол-жавоб ишлари унинг бўйида. Оқсиз бўлса ҳам ҳаммасига улгуради. Йўқ қишлоқ касалхонасининг бош врачси Абдуҳаким Хамитов унинг дардини иситмасидан сезиб қолди, хол-жонига қўйиб олиб келиб, ётқизиб қўйди.

Дардини яшириб юриб, анча ўтказиб юборган экан: касалхона келганидан кейин юраги гижимлаб қаттиқ оғриганидан бўлди, истасми 40 дерамагача чиқди. Кўпича ўзини билмай ётарди, алаҳсирадди. Бола-качелари унинг ранг-ахлолини кўриб жу-

да кўрқидилар. Лекин аввало жонқуяр арчалар, колверса бутун қишлоқ, бутун колхоз уни ҳавфга қайтариб олди, даволаб оёққа турғизди.

Ха, бутун колхоз даволади. Салоҳидин ака ётган куннинг эртасигаёқ унинг идорадаги дўстлари — бош бухгалтер Расулдор Рафиқов, ҳисобчи Умарча Саидхон, Абдумин Мўминовлар хол сўрагани кирдилар. Партком секретари Азиз Бойтўраев касалхонага кириб чиқишга вақт топди. Салоҳидин аканинг хотини ишлаган 2-бригада бошлиғи Эрмат Шерматов, 4-бригада бошлиғи Адашбой Ортиқов 6-7 километр ердан келишди... Уларнинг хол сўраб келишларида кичик одамийлик, дўстлик, ҳамдардлик бор эди. Бир-икки оғиз ширин сўз айтишди, бу нечоғли мадор берди, малҳам бўлди дарда. Яхши сўз жон озаги деганлари бежиз эмас-да.

Учинчи кун колхоз правлениесининг раиси Тельман Эгамбердиев келди. У хол-ахвол сўрашиб бўлиб, колхозда ишлар муваффақиятли бораётганини айтди.

— Уйингизда нима етишмовчилик бор, тортинмай айтиверинг, ака.

— Раҳмат, ҳамма нарса бутун.

Раис унинг олдидан қичқиб, беморнинг умумий ахлолини врачдан сўради, қандай оқватлар тановул қилиши мумкинлигини билди олди. Уш кундан бошлаб колхоз борбони ҳар кун Салоҳидин ака учун узиб юбориб турадиган бўлди. (У узум шарбети кичиб туриши керак экан). Уйига ун, пул киритиб юборишди.

Қарияларни айтмайсизми, Саловондан ошган Тўғрунбой ота Бўронов, Абдуҳалим ака Долломов, Ширмон хола Усмонова, Уринбой опа Абдуқодировлар ҳам Мирзавев қошга кириб, ҳар замонда кўнлиб кўтариб турдилар...

Беморнинг олдида оила аъзолари, узок-яқин, қариндош-уруғларининг, ҳисобчи Умарча Саидхоннинг, ер-оғайнлар-у қишлоқдаги отахон-онахонларининг кириб туриши ҳам бир экан. Буларнинг ҳар бири беморга ўзи билан яхши кайфият, баланд руҳ, ҳавфга муҳаббат, заҳк-шаққ олиб кириди. Бу нарсалар беморга нақадер зарур!

Салоҳидин акани ана шу одамгерчилик ҳаяжонлантираётган ва кўзиде ёш уйнаётган эди.

Бу, Андижон районидаги Серго номи колхоз қишлоғи меҳнатқилларининг инсоний фазилатларидан бир шигил, холос.

Улар шунақа меҳр-оқибатли кишилар. Бир-бирларига гамхўр, меҳрибон, шодлиқни баҳам кўришди, тавшвиш тушса беҳадмиҳнат бартараф этишди, юмуш қилса ҳашар йўли билан битказишди. Ешлар одоблари билан гўзал, кексалар ўз ақлазковатлари, фойдали маслаҳатлари билан иззат-қурметда. Қариялар ўйил-қиларига соғлиқ ва меҳнат-севарлик, дўстлик ва ақиллик, илм ва ҳунар, муҳаббат ва вафо, ақшилик ва тўғриликдан тавлим берадилар. Йигит-қизлар шу пайт-насихатга амал қилишлари билан ота-оналарини шод этишадилар.

**М. АБДУКАРИМОВ,**  
Андижон.

## ҚАҲРАМОН БИЛАН УЧРАШУВ

Мамарасул Сулаймонов Литва пойтахтида гитлерчиларга қарши шиддатли жанг олиб борган жойда йигирма йилдан кейин бўлди. Уша вақтда Мамарасул ёниб турган шахардан кўрган эди. Егини ва портлаш тўтуларни бинаоларни чулбаб олган, кўчаларни боқиб кетган эди. Жанг қилаятган ҳарбий қисмлар орасида Сулаймонов командирлиги қилган батарея ҳам бор эди. Унинг батареяси Шопен номидаги мантабага жойлашиб олган гитлерчиларни ҳайдаб чиқариш наби нокирет топшириб олди.

«Бинони сақлаб қолиш керак» деб ўйлади номандир. Олдига юборилган разведкачилар душманнинг ўт очил нунчаларини аниқлади ва а.р. Улар шартли егинча билан аниқ ўқ узиб, душман пулемётларини даф қилиб қўйдилар ва кўнун қилаятган аскарларимизга йўл очиб берди-

лар. Бир неча минутдан кейин бино ичиде нақза жанг бошланиб кетди.

Совет кўшинлари Берлинга томон олдинга бердилар. Сулаймонов батареяси Немаан дарёсидан ўтганидан кейин Виленосининг Шопен номидаги мантабада боғлар ўйитган эди.

Литваллик болалар ўз жоманон мактабинин сақлаб қолган узбен юмандинин узок вақт индиридилар. Бу ишчилар кўйлаб ёзишмалардан кейин бу қаҳрамонни Нарпай районидаги «Итифок» колхозидан топдилар. Мамарасул Сулаймонов шу колхозда яшамонда ва меҳнат қилмоқда. Литваллик болалар уруш ветеранини ўз қўрларига меҳмондорчиликка тақабил қилдилар.

Совет ўтқини Виленосидеги ана шу таниш бино енига борганида, «Мамарасул Сулаймонов номи ўрта мактаб» деган висесани ўқиди. Бу ерда

уни мактаб коллективи самияни ва тантанали суратда кутиб олди. Мамарасулнинг ўз жанговар ўртоқлари билан бирга мактаб деворлари енида қандай жанг қилганини тўғрисидаги хикоясини ўқиб ва қиз болалар ўр ҳавас билан тингладилар. Болалар Мамарасулнинг кўнрағиде ярираб турган беш орден ва ўшанча медалига ҳаяжон билан назар ташлар эдилар. Бу ишчилар Сулаймоновнинг юсан ҳарбий масоратидан далолат берад эди.

Болалар штурвининг бошқа қатнашчилари тақдир билан ҳам қизиқдилар. Социл гвардиячининг батарея Виленосидан қинқандай кейин Немаан дарёси енидаги плацдарма душманнинг бутун бир тани колоннасини даф этганини гапириб берди. Сулаймоновнинг яқин дўсти Александр Виткин шу жангда душманнинг беш таннини мажмақлади.

**Я. ПОПОДОНУЛО,**  
Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири,  
Самарқанд шахри.

Эски-Новак қишлоғи икки тоғ оралиғиде жойлашган. Бу ерда Қозон ротаси машғулотлар ўтказмоқда. Бу ерда рота мизраси — генерал Салковнинг ўғли билан эса учбосиб қолдик. У хавфини сезибди шикилли, тунда кўён бўлиб қолди.

Орадан бир ой ўтгач генерал Салковнинг ўғли Кеҳқарчи қишлоғиде кўрол-роқ сотаётганида ушланди ва отиб ташланди.

Кўн-кўк зодий узра олоқ тоғ отмоқда. Тоғ чўққиларидаги музликлар кумушдек ялтиради. Фарғона тоғи отётган эди.

## ЖАСУР НИСОНГА ЁДГОРЛИК

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Шаҳар номсозлари йигирманчи йилларда Бойсун тоғларида босмачилар қўлида ҳалок бўлган Абдулла Набиев хотирасини абадийлаштиришга қарор бердилар. Шаҳар медицина билими юрти студентлари, 2510-автомолон-коллективни, дарё орти ешларининг ташаббуси билан отани номсозли, йигирманчи йилларда Ўзбекистон номсозли Марказий Комитетининг инструменти бўлиб ишлаган ва Сурхондарёга келиб, босмачиларга қарши нурашда марраларча ҳалок бўлган Абдулла Набиевга ёдгорлик ўрнатилди фонди ташаббус қилди.

# ПАҲЛАВОН ҚОРХОНА

Чирчиқда бўлган киши трансформатор заводи коллективининг юксалиш оидилари ҳақида кўпгина ҳикоялар тинглайдилар. Ҳақиқатан ҳам, бу орхона кейинги йилларда барпо қилинган ва ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган ишхоналардан бири.

Чирчиқ трансформатор заводи ҳақида гап кетганда у «икки марта тугилган» дейишди. Бу гапда жон бор. Унинг иккинчи бор тугилиши ўтган етти йиллик мобайнида бўй берди. Ўртамиёна қорхона майда электр ускуналари ишлаб чиқарар эди. Етти йилликда ана шу завод бутун Шарқ ва Ўрта Осиёда энг паҳлавон трансформаторсозлик қорхонасига айлантирилди. Бунинг учун заводда ўтган етти йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми беш баравар ортаганлигига айтиб ўтишнинг ўзи kifойа.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бундай паҳлавон суръатлар билан кўпайиб боришига

сабаб нима? Аввало, мамлакатимизда йиллик электростанциялар қўллаб қўрилайётганили, уларда кудратли трансформаторларда нег фойдаланилаётганилидир. Чирчиқ машина-созлари мамлакатимизда энг энергетиксининг далай қадамлар билан юксалиб боришига муносиб ҳисса қўшаётдилар. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар мамлакатимиздан ташқарига ҳам машҳур ва манзур. Чирчиқ заводининг тамғаси босилган хидма-хил трансформаторлар Африка, Осиё мамлакатларида қўллаб қўрилайяпти.

Келажакда электротехника сановатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми мамлакатимизнинг машинасозлик сановати маҳсулотли салмоғида 18 процентни ташкил этади. Хоразми вақтда машинасозлик са-

новат маҳсулотли салмоғида электротехника ускуналари ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси 8 процентга тўғри келиб турганини ҳисобга олганда, юқоридеги кўрсаткич сановатнинг тармоғи маҳсулотли салмоғининг таърифтаганидан далолат беради.

Завод коллективни қорхонани ҳар томонлама тақомиллаштириш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилмоқда.

— Ўтган йили, — деди пех бошлигининг уринбосари Азиз Иброҳимов, — қорхонамиз маҳсулотини олган истеъмолчилар жула миннатдор бўлишди. Маҳсулот сифати ҳақида бирорта ҳам шикоят келмади. Юборилган ҳамма ускуналар яхши ва аъло баҳоларда қабул қилинди. Бизда Волга бўйи са-

новат қорхоналари коллективларининг тажрибаларига кенг амаз қилинапти. Шунинг учун ҳам маҳсулотни биринчи бор тақдим қилишгаёқ манзур тақдим қарарга аям олоқмади. Маҳсулотлар сифатини муттабиқ ошириб бориш иятида ҳар ҳафтанинг бир кунини «Сифат кўнж» деб аълоқ қилинаган. Ана шу кўнж пех бошлиқлари, бўлтилар ва участкаларнинг раҳбарлари, мастерлар, изватор ишчилар иштирокида йиллик бўлган Бундай йилгиликларда бракинчи сабаблари, технология жиараёлашининг бузилишига бид факторлар ишчанлиги ва эътизада муҳокама қилинади. Ишлаб чиқариш мадавияти паст бўлган участкаларнинг иши ҳам муҳокама этилади. Камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари ишлаб чиқ-

лади. Ишда бракка йўл қўювчилар тағийл қилинган йилги-лашлар айнаса қизғин тортишларга сабаб бўлади. Шу тақдир маҳсулот сифатига пуур етказувчилар жула камайиб борапти.

Қорхона бош инжениери Хосе Арнас заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бораётганига таъбир кўрсатаятган оимлар ҳақида гапириб берди. Цехлар ва муҳим ишлаб чиқариш участкалари реконструкция қилиниб бўлгач, бутун эътибор сермеҳнат иш жиараёлашини меҳнатқиллаштириш ва автоматлаштиришга қаратилди. Бу соҳада «Йилги тадбир» қўрилди. Масалан, эрданчи участкада 20 та йилги болан ишлайдиган 20 та яқин ишканалар ўрнатилди. Трансформатор галтакларини пресс-

лайдишга ускуна қўриб ишга туширилди. Илгари мана шу иш қўлда бақариларди. Аломин деталарни пайвандашчи-нинг процессини ускуналар жори этилди. Бунга камераларига бўёқлари марналаштирилган тартибда узатиб туриш амалга оширилди.

Трансформаторсозлик бўйича конструктория бюроси коллектив билан қорхона инженер-техник ходимлари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Қорхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати жиҳатидан жаҳон стандартлари даражасидан қилишмаётганили ана шу ҳамкорликнинг самарасидир. Ҳозирги кунда яна илги қиларди ускуналар — «ТМЗ-630» ва «ТМЗ-1000» маркали трансформаторларнинг тажриба нус-

каларини тайёрлаш тугалланади деб қолди. Яқин кунлар ичиде ана шу ускуналар Москвадаги электротехника лабораториясида синиб кўриш учун юборилди. «ТМ-400» ва «ТМ-6300» маркали трансформаторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қизғин тайёргарлик кўриломоқда.

Завод директори Георгий Инокентьевич Хан чирчиқликлар ишлаб чиқараятган конструктория трансформаторларнинг айрим турлари мамлакатимизда «Кўронтел», Минск, Кентаур ва Хмельницкий трансформатор заводларида ҳам ишлаб тайёрланаётганилини айтиб берди.

Трансформаторсозлик даврасида Очтябрнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтаси қизғин давом етмоқда. Завод кенгайтирилмоқда. Юбилейгача яна бир ўрта ишлаб чиқариш цехлари фойдаланишга топширилди.

**В. СКОРОДУМОВ.**

